

**ҲУРМАТЛИ ҲАМКАСБЛАР!**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти **2021 йил 5 октябрь** куни интернет-платформа асосида видеоконференция шаклида навбатдаги **Ўзбекистон иқтисодчиларининг XIII форуми** ўтказилишини эълон қилади (*вақт, уланиш учун идентификация рақами ва парол қўшимча равишда эълон қилинади*).

Форум мавзуси:

**“Барқарор иқтисодий ривожланиш бўйича стратегик ташаббуслар ва амалий тавсиялар: салоҳият ва хатарлар”**

Форумнинг мақсади ташқи ва ички ривожланиш омилларини ҳисобга олган ҳолда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича илмий ва амалий тавсияларни асослаш ва салоҳиятли ва стратегик йўналишларни аниқлаш ва баҳолаш мақсадида иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб қилишдир.

**Бўлимлар бўйича Форум ишининг йўналишлари:**

**1-бўлим.** Таркибий ва институционал ислохотлар шароитида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фаровонлигини таъминлаш йўллари:

Пандемиянинг учинчи тўлқини пайтида оптимал изоляция сиёсати: пандемия пайтида харажатларни минималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий омиллар ва муқобил баҳолаш;

Инновацион хизмат турларини ривожлантириш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари;

Инсон капиталини ошириш бўйича стратегик вазифаларни ҳал қилиш учун таълим тизимига рақамлаштиришни жорий этишни тезлаштириш;

Аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш учун иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш салоҳияти;

Аҳолининг ижтимоий фаровонлигини ошириш учун давлат маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

Пандемиядан кейинги даврда барқарор даромад ўсишини тиклаш: эски ва янги таҳдидлар;

Унумдорлик, инсон капитални, меҳнат бозори ва кўникмалар;

Тенгсизлик ва ҳудудий ривожланиш;

Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш омиллари: амалиёт ва истиқболли йўналишлар;

Камбағалликни қисқартиришнинг муҳим омили сифатида кичик бизнесни ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш;

Пандемия инқирози шароитида транспорт ва логистика хизматларини рақамлаштириш;

Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш учун қишлоқ хўжалиги ва ташқи савдони ривожлантириш.

**2-бўлим.** Ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда барқарор ва мувозанатли иқтисодий ўсишни таъминлаш:

COVID – 19 пандемияси оқибатларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон иқтисодиётини тиклаш бўйича стратегик ташаббуслар ва амалий тавсиялар;

COVID – 19 пандемияси оқибатларини инobatга олган ҳолда Ўзбекистон иқтисодиётини тиклаш суръатларини ошириш бўйича стратегик вазифаларни ҳал қилиш учун инновацияларни жорий этишни тезлаштириш ва иқтисодиётни рақамли форматга ўтказиш;

Рақамли трансформациянинг янги муаммолари шароитида реал сектор тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш муаммолари;

Иқтисодий бошқарув тизимини рақамли трансформацияси ва янги прогноз-таҳлилий ишланмаларни жорий этиш муаммолари;

Иқтисодий дастурлаш ва индикатив режалаштириш тизимига ўтиш доирасида иқтисодий бошқарувни модернизациялашнинг асосий йўналишлари;

Интеграцион жараёнларни чуқурлаштириш шароитида инновацион иқтисодиётни ривожлантириш механизмлари ва усуллари;

“Яшил” ва “рақамли” иқтисодиёт ва бошқарувни номарказлаштириш тамойиллари ва механизмлари асосида Ўзбекистон ҳудудлари иқтисодиётини трансформация қилиш,;

Макроиқтисодий дастурлаш, иқтисодий жараёнларни таҳлил ва прогноз қилишнинг замонавий тизимини яратиш муаммолари;

Барқарор ривожланишни молиялаштиришнинг янги ёндашувлари ва механизмлари: яшил молия, масъулиятли инвестициялаш ва омилкор бошқарув;

Инновациялар – замонавий муаммолар ва таҳдидлар шароитида ўзаро трансминтақавий ҳамкорлик учун асос.

### **Форумда иштирок этиш учун таклиф қилинади:**

- илмий-педагогик ходимлар, ОТМларининг докторант ва магистрантлари, илмий-тадқиқот муассасалари, шу жумладан хорижий илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари;
- вазирлик ва идораларнинг бўлинмалари раҳбарлари ва етакчи мутахассислари;
- ҳудудий бошқарув органлари, иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари раҳбарлари ва мутахассислари;
- халқаро ташкилотлар вакиллари.

## **Форумда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиш ва аризаларни қабул қилиш тартиби**

Форумда қатнашиш учун **2021 йил 31 августга қадар** Ташкилий қўмитанинг электрон почта манзилига ([forum@ifmr.uz](mailto:forum@ifmr.uz)) қуйидагиларни юбориш зарур:

- **.doc (.docx) форматида қатнашиш учун ариза**
- **.doc (.docx) форматида мақола**

Маъруза Форум муҳокамасига қўйилган тематик бўлим муаммолари ва масалаларига мос келиши керак.

Маърузалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади.

Ташкилий қўмитага юборилган ва "Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар" журналида нашр этилмаган мақолалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Сўралган тақдирда, муаллиф мутахассис ва муҳаррирга қўлёзма билан боғлиқ барча маълумотларни тақдим этиши керак. Агар муҳаррир муаллифга нашрда жиддий хатолар борлиги тўғрисида хабар берса, муаллиф уларни мақолани юбориш муддатидан олдин тузатиши шарт.

Ташкилий қўмита томонидан маъруза кўриб чиқилгандан ва тасдиқланган тақдирда муаллифга расмий таклифнома юборилади. Иқтисодий форумнинг ялпи мажлисида қатнашиш ва тақдимот масаласи Ташкилий қўмитанинг қарори билан белгиланади.

Мақолалар таҳрир қилинган ва уларни расмийлаштиришга қўйилган техник талабларга тўлиқ мос келиши керак. Ишни электрон почта орқали Ташкилий қўмитага юбориш муаллифнинг мақолани тайёрлаш талабларига рози эканлигини англатади.

Иштирокчилардан рўйхатдан ўтиш учун тўлов олинмайди, мазкур Ўзбекистон иқтисодчилар форумида қатнашиш бепул. Ташкилий қўмита иштирокчиларнинг иштироки билан боғлиқ равишда юзага келиши мумкин бўлган харажатларни қопламайди.

**РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ИЛМИЙ МАЗМУНИ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАРГА МОС КЕЛМАЙДИГАН ҲАМДА ПЛАГИАТ МАВЖУД БЎЛГАН МАҚОЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛМАЙДИ.**

Ўзбекистон иқтисодчилари форумида иштирок этиш учун ариза - 2021 йил.

Мақолага қўйилган техник талаблар

Мақоланинг мазмуни ва тузлишига қўйилган талаблар.

**Алоқа:**

Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

тел.: (998 71) 244-02-47

E-mail: [forum@ifmr.uz](mailto:forum@ifmr.uz)